8594

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Ҳалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 май, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 97 (1614)

## ИТАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Оскар Луижи Скалфаро 2 май куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Италия раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар олий мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этди.

Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Олий мартабали меҳмонни кутиб олувчилар орасида Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетц хоним ҳам бор эди.

**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2 май куни Халқаро валюта жамғармаси тақсимловчи директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиз билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, Стенли Фишернинг мазкур ташрифи ўзаро алоқаларимизнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этажагини айтди.

С. Фишер Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатдан қониқиш ҳосил қилаётганини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатимиз билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабулда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Шунингдек, қабул чоғида Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Марк О'Брайен қатнашди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни Японияning Сакура банки бошқаруви раиси Кен-Ичи Суемацуни ҳам қабул қилди.

Президент Ислом Каримов дунёдаги энг йирик ва обрўли банклардан бири ҳисобланган Сакура банкининг раҳбари билан ўзбек заминида кўришиб турганидан мамнун эканини билдирди.

-- 1994 йили Японияга буюрган ташрифимиз чоғида кўплаб ҳужжатлар қаторида сизнинг банкингиз билан ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ҳам имзоланган эди. Мана энди мамлакатимизда Сакуранинг ваколатхонаси очилди. Бу маросимда сизнинг шахсан иштирок этишингиз эса янада қувончли воқеа, -- деди Ислом Каримов.

Кен-Ичи Суемацу Президент Ислом Каримов томонидан ўзига кўрсатилган самимият ва ишончдан фахр туйганини таъкидлади. Ўзбекистонда Сакура банки ваколатхонасининг очилиши икки мамлакат ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилажагини айтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Сакура банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Маросимда Японияning мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коуичи Обата ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**
**А. ТЎРАЕВ**
**тасвирга олган.**

*ИТАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН*

## ЕВРОПА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БЕШИГИ



***Италия ўзининг бетакрор маданияти, санъати, удумлари ва анъаналари, бой тарихи билан машҳур. Бу мамлакат нафақат кўҳна Европа, балки дунё маданиятига ҳам буюк ҳисса қўшган. Айниқса, «Европа цивилизациясининг ўсмирлик йиллари» -- Уйғониш даврида Италия жаҳон маданиятида чуқур из қолдирди. Уйғониш даври айнан Италияда бошланди ва Микеланжело, Данте, Петрарка, Джотто, Леонардо да Винчи, Ботичелли, Брунеллески, Челлини, Гиберти каби буюк ижодкорларнинг ўлмас асарлари дунёга келди. Зеро, Италияни Европа цивилизациясининг бешиги деб, бежиз аташмаган.***

Бугун Италия -- ривожланган капиталистик мамлакат. Ўрта ер денгизининг маркази ва ғарбий Европанинг жанубида жойлашган мазкур мамлакат шаҳарларида техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаётган корхоналар ҳамда замонавий бинолар билан бир қаторда ўрта аср меъморчилиги услубидаги эски иморатларни ҳам кўриш мумкин. Умуман, мамлакат қиёфаси ана шундай хилма-хиллик уйғунлигида намоён бўлади. Агар Италия ички ҳаётига назар солсак, ривожланган демократия билан бирга ўта консерватив неофашистлар ва ўнг кучлар ҳаракатини, ҳаёт қайнаётган йирик шаҳарлар яқинида эса секин ҳаёт гирдобида кун кечирувчи тоғли қишлоқларни кузатиш мумкин. Борингки, мамлакат ҳудуди ҳам саноати юқори даражада ривожланган шимол ва иқтисодий нуқтаи назардан кам ривожланган жанубга бўлинади.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий Италия, асосан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг шаклланиб, иқтисодий юксакликка эришди. Унинг урушдан олдинги қарийб бир асрлик тарихи анча зиддиятли. Ўша даврларда Италия иқтисодиёти кўпроқ ҳарбийлашган ҳамда мамлакатда монархия тузуми ҳукмрон эди. Мамлакат Германия -- Австрия ҳарбий блокига қўшилиб, ташқи сиёсатда босқинчилик ва мустамлакачилик йўлини тутган эди. Биринчи жаҳон уруши йиллари, гарчанд, Италия расман бетарафлик эълон қилганига қарамай, Антанта ҳарбий қўшилмаси томонида туриб урушга кирди. Асримизнинг йигирманчи йилларида Италия ҳукумати тепасига Муссолини раҳбарлигидаги фашистлар партияси чиқиб олгандан сўнг, мамлакат тўғридан-тўғри фашистлар блокига қўшилди. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, мамлакат халқи ўз тақдирини узил-кесил белгилаб, демократик тараққиёт сари қадам қўйди -- 1946 йили Италия Республика тизимига ўтди.

Мана, орадан ярим аср вақт ўтиб Италия жаҳондаги еттита ривожланган мамлакатнинг бирига айланди. Бу давр ичида миллий иқтисодиётда юксалишлар ҳам, инқироз ва турғунлик ҳам бўлди. Лекин, умуман, Италия иқтисодиёти ўсишдан тўхтагани йўқ. Мамлакат дунёни тиғ билан эмас, ўз маҳсулотлари билан забт этди. «Италияда тайёрланган» сўзлари битилган маҳсулотлар бугун жаҳон бозорида ўзининг рақобатбардошлилиги туфайли катта мавқени қўлга киритди. Гарчанд, Италия жаҳон сиёсатини белгилайдиган йирик давлатлар сирасига кирмаса-да, халқаро ҳаётда ҳал қилувчи таъсир кучига эгадир. Айниқса, Ғарбий Европа сиёсий ҳаётида мамлакат муҳим ўрин тутади. Айни пайтда Албания можароларини тинч йўл билан бартараф этишда Италия етакчилик қилаётгани бунга мисол бўла олади.

Урушдан сўнг, Италия саноати шу қадар тез ривожландики, унинг олтмишинчи йиллардаги тараққиёти «Иқтисодий мўъжиза» номини ҳам олган эди. Хўш, иккинчи жаҳон урушидан иқтисодиёти деярли бутунлай вайрон бўлиб чиққан мамлакат тез орада қандай қилиб ўзини тиклаб олди?

Аввало, 1947 йилда Италияда бошланган иқтисодий ислоҳотлар республика истиқболини белгилашда муҳим ўрин эгаллади, десак хато бўлмайди. Мамлакат тез орада -- 1950 йиллардаёқ, аграр республикадан саноати ривожланган мамлакатга айланди. Иқтисодий ислоҳотлар даврида асосий эътибор саноатнинг муҳим тармоқлари -- машинасозлик, кимё, энергетика ва тўқимачилик соҳалари ривожига қаратилди. Шу билан бир пайтда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳукумат ички иқтисодий сиёсатининг муҳим стратегияларидан бири эди. Тўғри ва оқилона юргизилган иқтисодий сиёсат ўз мевасини берди. 60-йилларда йиллик иқтисодий ўсиш борасида Италия билан фақатгина Япония ва Германия рақобатлаша олди, холос.

Италия иқтисодиёти ҳақида сўз борар экан, биринчи навбатда унинг сифатли пойафзаллари, бежирим кийим-кечаги, жаҳонга машҳур «Фиат», «Альфа-Ромео», «Ферарри» автомобиллари, «Спагетти» макаронлари киши кўз ўнгида намоён бўлади. Табиат Италияни бой ер ости заҳиралари билан унчалик сийламади. Лекин, бу «қусур» мамлакат иқтисодий равнақига тўсқинлик қилмади. Айни пайтда Италия ички эҳтиёж учун нефтнинг қарийб ҳаммасини четдан келтирган ҳолда, нефт маҳсулотлари экспорти бўйича Ғарбий Европада энг олдинги ўринларнинг бирини эгаллайди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари бўйича биринчи, кийим-кечак экспорти бўйича эса иккинчи ўринда туради. Бироқ, кўплаб мамлакатларда бўлганидек, саноатнинг ривожланиши йирик муаммо -- атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Шу боис, келажак авлод саломатлигини ўйлаган ҳар бир жамият экология ҳақида ғамхўрлик қилиши керак. Италияда бу муаммо билан олтмишинчи йиллардаёқ жиддий шуғулланишга киришилган эди. Саноат чиқиндиларидан экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўшандан буён нефт ва кимё корхоналари чиқиндилари -- олтингугурт ва азотнинг экологияни булғаши кескин камайди. Бунинг фойдасини мамлакат халқи мана энди сезмоқда. Айни пайтда Италия аҳолиси узоқ умр кўриш ва юрак хасталиги каби касалликларнинг камайиши бўйича Европанинг бошқа мамлакатларини ортда қолдирди.

Атроф муҳитнинг тозалиги инсон саломатлигигагина эмас, балки тарихий обидаларнинг ҳам яхши сақланишига кўмак берар экан. Бу эса ўз навбатида сайёҳликни ривожлантириш учун муҳим омилдир. Дарҳақиқат, Италияда сайёҳлик ниҳоят ривожланган. У мамлакатда энг сердаромад соҳа ҳисобланади ва ўз эътибори жиҳатидан машинасозлик ва кимё саноатидан кейин туради.

Ўзбекистон билан Италия ҳамкорлиги гарчанд анча илгари бошланган бўлса-да, Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнггина муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш имкони пайдо бўлди. Икки мамлакат ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилди. Демаккки, давлатларимизнинг халқаро доирадаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги бошланди. Айниқса, Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароит туфайли, Италиянинг йирик фирма ва компаниялари мамлакатимизга тобора кўпроқ сармоя олиб кирмоқда. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотиқ соҳаларида Италия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. «Ўзпластитал» Ўзбекистон -- Италия қўшма корхонаси республикамизда ишлаб чиқаришдан катта даромад олаётган ана шундай корхоналардан биридир. Яқинда «Ўзбектелеком» ва Италиянинг «Стет интернейшнэл» концернлари Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоғини мукаммаллаштириш мақсадида «Удинет» номли қўшма корхонага асос солингани ҳам бундай хайрли ишларнинг давомидир. Мазкур корхона 1999 йилга қадар 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириб, республикамизда телефон тармоқларини кенгайтириш билан шуғулланади.

Давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ривожланган сайин икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ҳам тобора кенгайиб бораяпти. Масалан, 1994 йилда Ўзбекистондан Италияга 200,4 миллиард Италия лираси миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич икки ярим баравар ортди. Италиядан мамлакатимизга келтирилган маҳсулот эса 49,5 миллиард лира миқдорида белгиланди. Ўтган йили ҳам ўзаро товар айирбошлашда ривожланиш тамойилларининг сезилгани қувонарлидир.

Хотима ўрнида шуни айтиш мумкинки, Италия Европа ҳамжамиятида ҳамиша ҳал қилувчи овозга эга бўлган. Европа Иттифоқи -- Ягона Иқтисод ва валюта иттифоқини (ИВИ) барпо этаётган экан, Италия иштирокисиз мазкур ташкилотни тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, мамлакатимиз Европадаги муҳим ҳамкорлардан бири сифатида Апенин ярим оролидаги ушбу мамлакатни танлагани ҳам бежиз эмас. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўтган йили Флоренцияда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашида ҳам Италиянинг хизмати бор. Чунки, бу пайтда Италия Европа Иттифоқига (ЕИ) раислик қилаётган эди. Ўшанда ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланиши учун яратилган катта имконият, умид қиламизки, Италия Президентининг республикамизга сафаридан сўнг янги босқичга кўтарилади.

**Сангин ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

2 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро валюта жамғармаси тақсимловчи директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ушбу нуфузли халқаро молиявий ташкилот ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов ҳамда Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

* * *

Халқаро валюта жамғармаси тақсимловчи директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер раҳбарлигидаги делегация аъзолари 2 май куни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов билан ҳам учрашди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### И. НЕЪМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲИНДИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Илҳомжон Неъматов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 2 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### И. НЕЪМАТОВГА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ВАКИЛ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Илҳомжон Неъматовга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 2 май.

## БАДИИЙ АКАДЕМИЯ АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

***Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда маънавиятни камол топтириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президент Ислом Каримов Фармонига кўра Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил этилиши ҳам ана шу ибратли тадбирлар сирасига киради.***

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси мажлисининг Бадиий академия ҳақиқий ва фахрий аъзолигига номзодлар ҳақидаги таклифини кўриб чиқиб, республика Вазирлар Маҳкамаси уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қуйидагилар Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб сайландилар:

**рассомлар** -- Саъдулла Абдуллаев, Ботир Болтаев, Владимир Бурмакин, Баҳодир Жалолов, Жоллибай Изентаев, Акмалжон Икромжонов, Тоҳир Миржалилов, Алишер Мирзаев, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Акмал Нуриддинов, Жавлон Умарбеков, Ниёзали Холматов, Турсунали Қўзиев, **ҳайкалтарошлар** -- Илҳом Жабборов, Жўлдасбек Қуттимуродов, **кулоллар** -- Шариф Азимов, Акбар Раҳимов, Шарофиддин Юсупов, Худайберди Ҳақбердиев, **дизайнчи** -- Азамат Тўхтаев, **санъатшунос** -- Акбар Ҳакимов.

Академиянинг фахрий аъзолари ҳам сайланди. **Таниқли рассомлар** -- Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Қутлуғ Башаров, Малик Набиев, Рўзи Чориев, Николай Шин, Неъмат Қўзибоев, **наққошлар** -- Сайидаҳмад Маҳмудов, Маҳмуд Усмонов, **ҳайкалтарош** -- Қосим Мирзараҳимов, **санъатшунос** -- Рафаил Тоқтош ана шу шарафга муяссар бўлди.

**(ЎзА).**

## МУРУНТОВ -- ХАЛҚНИНГ ОЛТИН ХАЗИНАСИ

***Бундан ўттиз йил муқаддам, 1967 йил 2 май куни Марказий Қизилқумдаги сукунатни кучли портлаш овози бузган -- жаҳон тажрибасида ноёб ҳисобланган Мурунтов олтин конини ўзлаштириш бошланган эди.***

Шу юбилей муносабати билан олтин қазиб чиқарувчилар шаҳри Зарафшонда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда унинг таркибига кирувчи «Мурунтов» кони ходимлари, конни ўзлаштиришда иштирок этган фахрийлар, кон қидирувчи геологлар, жамоатчилик вакиллари, кўп сонли меҳмонлар иштирок этди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков шу шонли воқеа муносабати билан Президент Ислом Каримов йўллаган табрикномани ўқиб берди. У ноёб олтин қазиб чиқариш мажмуининг алоҳида намуна кўрсатган ходимлари гуруҳига мамлакат раҳбарияти номидан юксак давлат мукофотларини топширди.

Тантанали йиғилишда Мурунтов кони бу ерда ишлаётган кўп миллатли жамоанинг фидокорона меҳнати билан ҳамма жойда машҳур бўлгани қайд этилди. Табиат меҳнатсевар халқимизга бу ҳадсиз бойликларни ҳадя этгани тасодиф бўлмаса керак -- ўттиз йил давомида бу ерда икки миллиард куб метрдан кўпроқ тоғ жинслари қазиб чиқарилиб, ундан кўп миқдордаги юксак сифатли олтин ажратиб олганини айтиш кифоя. Бу металл заҳиралари ҳали тугагани йўқ.

Ҳозир бу ерда юксак даражада механизациялашган ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, техника билан қайта қуроллантириш ишлари давом этмоқда. Бу эса, давлатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш учун олий сифатли олтин қазиб чиқариш бўйича юксак кўрсаткичларни сақлаб туришга имкон беради. Йиғилишда айтиб ўтилганидек, қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган хорижий сармоядорларнинг бу ишга бўлган қизиқиши коннинг истиқболли эканидан далолат беради.

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси зиммасига минерал ўғит ишлаб чиқариш учун Қизилқумда топилган фосфоритларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан муҳим вазифалар юклатилган. Шунингдек, юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилади. Кончилар ва металлургларнинг, барча ёрдамчи хизмат ходимларининг тажрибаси, фидокорона меҳнати туфайли бу мақсадларга эришиш мумкин, деб таъкидланди йиғилишда.

Тантанали йиғилишда Навоий вилояти ҳокими Ҳ. Ғаффоров сўзга чиқди.

**Георгий КОВАЛЬ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

*ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР*

## «ҲАВАС»ДАН БАҲРА ОЛИНГ



Пойтахтимиз теннис мухлисларини «Динамо» теннис мажмуида ажойиб мусобақа кутяпти. Яна уч кундан сўнг, яъни 6 май куни бу ерда «Ҳавас» кубоги учун иккинчи турнир бошланади. Уч кун давом этадиган мусобақаларни кузатиш учун келган томошабинлар армонда қолмайди. Зеро, кортларга мамлакатимизнинг йирик корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳукумат раҳбарияти вакиллари чиқишади. Тўғри, баҳслар профессионал теннисчилар мусобақаси даражасида қизиқарли бўлмаслиги мумкин. Лекин ҳукумат раҳбарларининг кортлардаги ҳаракатини кузатиш томошабинларга профессионал турнирлардан ҳам кўра кўпроқ завқ бериши шубҳасиздир. Турнирнинг мақсади ҳам асосан оммани спорт иншоотлари сари етаклаш, уларнинг дилида спорт билан шуғулланишга ҳавасни уйғотишдир. Хуллас, 6-8 май кунлари «Динамо» теннис мажмуига келсангиз, ҳам маънавий озуқа оласиз, ҳам яхши ҳордиқ чиқарасиз.

**(Давоми 4-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**дори воситалари** -- келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташҳис қўйиш, дезинфекция ва стерилизация воситалари киради;

**дори моддалари (субстанциялар)** -- келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган, қўллашга рухсат этилган биологик фаол моддалар;

**фармакологик воситалар** -- белгиланган фармакологик фаолликка эга бўлиб, клиник синов объектлари ҳисобланадиган муайян доривор шаклидаги моддалар ёки моддалар аралашмаси;

**фармакопея** -- дори воситалари сифатини, уларни тайёрлаш, сифат-миқдор жиҳатидан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номланишини белгилайдиган давлат стандартлари тўплами;

**фармакопея мақоласи** -- дори воситаси учун фармакопея қўмитаси томонидан тасдиқланган меъёрий-техник ҳужжат;

**фармакопея қўмитаси** -- дори воситалари, тиббий буюмлар сифатига ва уларни назорат қилиш усулларига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган меъёрий-техник ҳужжатларни тасдиқловчи расмий эксперт органи;

**дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг давлат реестри** -- расмий ҳужжат бўлиб, у тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар рўйхатидан иборат;

**генерик дори воситалари (генериклар)** -- патент берилганларидан қолишмайдиган, лекин бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган дори воситалари;

**гомеопатик воситалар** -- гомеопатик қоидаларга биноан қўлланиладиган ва давлат реестрининг махсус бўлимига киритилган дорилар;

**фармацевтик фаолият** -- дори воситаларини, тиббий буюмларни яратиш бўйича изланишларни, тадқиқотларни, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, ахборот бериш, етказиб бериш ва сотишни қамраб оладиган соҳа;

**дорихона** -- дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек, дори воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена ашёларини харид қилиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт муассасаси;

**рецепт** -- шифокорнинг фармацевтга дори тайёрлаш, бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси бўлиб, унда дорини қўллаш усули қайд этилган бўлади;

**стандарт ёзув** -- даволаш хусусиятларининг самарадорлиги текширилганидан сўнг тузилган дори воситалари таркиби;

**тиббий буюмлар** -- касалликларнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган буюмлар. Улар жумласига боғлаш ва тикиш материаллари, шприцлар, қон ва инфузион эритмаларни қуйишга мўлжалланган системалар, беморларни парваришлашда қўлланиладиган ашёлар ва материаллар киради.

**3-модда. Аҳолини дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги давлат кафолатлари**

Давлат дори воситаларининг асосий турларини бемалол олишни ва улар сифатли бўлишини кафолатлайди.

Тиббий мақсадда қўлланишга рухсат этилмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан иш кўришнинг барча шакллари тақиқланади.

Тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**4-модда. Давлат органларининг дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати дори воситалари билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатни белгилайди ва рўёбга чиқаради, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга доир соғлиқни сақлаш дастурларини тасдиқлайди ва маблағ билан таъминлайди, уларнинг нархларини назорат қилади.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари дори воситалари, тиббий буюмлар муомаласини назорат қилади, дори воситалари билан таъминлаш давлат дастурларини маблағ билан таъминлайди.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

давлат буюртмасини тузади ва давлат тиббиёт муассасаларида дори воситалари, тиббий буюмларнинг асосий турлари мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлашга доир фаолият турлари учун лицензия беради;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлайди;

лаборатория, ишлаб чиқариш ва дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларни тасдиқлайди;

миллий фармакопеяни тасдиқлайди;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати назорат қилинишини, улар рўйхатдан ўтказилиши, стандартлаштирилиши ва сертификацияланишини таъминлайди;

наркотик, заҳарли, психотроп, радиофармацевтик (радиоактив), кучли таъсир этувчи дори воситалари ва этил спиртини сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, уларнинг заҳираларини ҳосил қилиш тартибини белгилайди;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;

дори воситаларининг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотишни тўхтатиб қўяди.

**6-модда. Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш**

Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома эгаси ушбу гувоҳномани берган муассасани дори воситасининг фармакологик самарадорлиги ва хавфсизлигига доир янги маълумотлардан хабардор қилиб туриши шарт.

Қуйидагилар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак:

даволаш, касалликнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш воситалари, шифобахш озиқ-овқат ва парафармация маҳсулотлари;

дориларни тайёрлашда қўлланиладиган дори воситалари субстанциялари ва ёрдамчи моддалар;

рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг янги комбинациялари;

янгича қадоқланган, янги шакл ва таркиблардаги ёки янги технология бўйича тайёрланаётган дори воситалари;

генерик дори воситалари (генериклар);

тиббий буюмлар.

Рецептлар ва стандарт ёзувлар бўйича дорихоналарда тайёрланадиган дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди.

**7-модда. Дори воситаларини ишлаб чиқариш**

Дори воситаларини ишлаб чиқариш лицензияга эга бўлган корхоналар томонидан амалга оширилади.

Дори воситалари давлат реестридан чиқарилган тақдирда, ишлаб чиқарилган ҳамда дорихоналар, омборлар ва даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаларида мавжуд бўлган мазкур дори воситаларининг қолдиқлари масаласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳал қилинади.

Дори воситаларини яратиш, уларни синаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва йўқ қилишни амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар дори воситаларининг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматга эга бўлишлари керак.

**8-модда. Дорихоналарда дори воситаларини тайёрлаш**

Дори воситалари лицензияга эга бўлган дорихоналарда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қўллашга рухсат этилган дори воситалари субстанцияларидан ва ёрдамчи моддалардан тайёрланади.

**9-модда. Дори воситаларини маркалаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларнинг ташқи безаги**

Дори воситаларини маркалаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларнинг ташқи безагига доир қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**10-модда. Фармакологик воситаларни клиник синовлардан ўтказиш**

Фармакологик воситаларнинг клиник синовлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхати тасдиқланадиган илмий-тадқиқот институтларида ҳамда клиника муассасаларида ўтказилади.

Фармакологик воситаларни одамда клиник синовдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига берилади.

Қарор қабул қилиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

синовларда ихтиёрий қатнашувчи мижознинг розилиги;

клиникада қўллашгача бўлган даврда фармакологик воситаларнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини ўрганиш натижалари;

фармакологик восита қўлланилишидан кутиш мумкин бўлган қўшимча таъсирнинг хавфи кутилаётган ижобий самарадан анча паст бўлиши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги.

Синовлар чоғида одатдан ташқари реакциялар рўй берган ёки жамият учун ёхуд синовда ихтиёрий қатнашаётган мижознинг саломатлиги ва ҳаёти учун хавф-хатар туғилган тақдирда клиник синовлар раҳбари синовларни тўхтатиши ҳамда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилиши шарт.

Фармакологик воситаларни синовдан ўтказишни маблағ билан таъминлаш синалаётган фармакологик воситани тақдим этган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

**11-модда. Клиник синовда ихтиёрий қатнашаётган мижознинг ҳуқуқлари**

Фармакологик воситанинг клиник синовида иштирок этишга ёзма розилик берган ихтиёрий қатнашаётган мижоз синовни ўтказувчи шифокордан бу услубнинг аҳамияти, моҳияти ва бундай синов келтириб чиқариши эҳтимол тутилган хавф тўғрисида олдиндан батафсил тушунтириш олиши, шунингдек, у исталган босқичда синовда қатнашишни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигидан хабардор қилиниши лозим.

Синов вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз мижоз иштирокида ўтказиладиган бўлса, унинг ота-онасидан ёки бошқа қонуний вакилларидан ёзма тарзда розилик олиниши керак. Вояга етмаган мижозлар иштирокида ўтказиладиган синовдан олдин, қоида тариқасида, синов вояга етганларда ўтказилган бўлиши керак.

Фармакологик воситанинг клиник синовини бошлашдан олдин синовни ўтказаётган даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаси суғурта ташкилоти билан мижознинг саломатлиги ва ҳаётини суғурта қилиш юзасидан шартнома тузиши шарт.

**12-модда. Саноат корхоналари ва улгуржи савдо ташкилотлари томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сотилиши**

Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ҳуқуқига эга.

Улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари дори воситаларини ва тиббий буюмларни уларни тайёрлаш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ишлаб чиқарувчилардан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган дори-дармонларни етказиб берувчи бошқа улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотларидан, шунингдек, хорижий фирмалардан сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Дори воситалари, тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар, улгуржи савдо корхоналари ва ташкилотлари дори воситаларини, тиббий буюмларни намуналар сифатида ҳам дорихоналарга, даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаларига, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ўқув юртларига бериш ҳуқуқига эга. Намуналарни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**13-модда. Дори воситаларини сотиш**

Дори воситалари фақат дорихона муассасалари орқали сотилади.

Дорихоналар иши дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Дорихоналар ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга шахсларгагина рухсат этилади.

Барча дорихона муассасалари санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб бериши лозим.

Муддати ўтган дори воситаларини сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

Дорихоналарнинг фармацевтика фаолиятини назорат қилишни давлатнинг ваколатли органлари амалга оширади.

**14-модда. Дори воситаларини экспорт ва импорт қилиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини, тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилишнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ягона тартиби амал қилади.

**15-модда. Тиббиёт муассасаларининг дори воситаларининг қўшимча салбий таъсири тўғрисида хабардор қилиш борасидаги мажбурияти**

Даволаш-касалликнинг олдини олиш, дорихона муассасалари ҳамда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва қўлловчи корхоналар дори воситаларини қўллаш вақтида аниқланган барча қўшимча таъсир ҳоллари, шунингдек, илгари кузатилмаган салбий таъсир ҳоллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини хабардор қилишлари шарт.

**16-модда. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш (уларни реклама қилиш)**

Дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб қўйиладиган тартибда амалга оширилади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни реклама қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

**17-модда. Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 25 апрель.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

# «ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 25 апрель.

---

# ИНВЕСТИЦИЯГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР

## АНЖУМАНДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

***Аввал хабар қилинганидек, Урганчда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб этиш масалаларига бағишланган халқаро бизнес-семинар бўлиб ўтди.***

Мазкур анжуман мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга чет эллик сармоядорлар эътибори ва қизиқишлари юқори эканлигини яна бир карра кўрсатди. Гарчи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг табиий иқлим шароити бошқа минтақалардагига нисбатан оғирроқ бўлса-да, кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижалари мазкур ҳудудларда ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини намоён этаётир. Маълумки, айни пайтда Хоразм вилоятида 100 дан ортиқ йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатаяпти. Кейинги йилларда, айниқса, бу ерда машинасозлик соҳаси бирмунча ривожланди. Хива автомобиль, Шовот подшипник заводлари, Дўстлик шаҳридаги автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Хоразмагромахсуссозлаш» ҳиссадорлик жамиятлари фаолияти бунга ёрқин мисолдир.

Ўтган йили вилоятда 16 млрд. 225 млн. сўмликдан зиёд саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бунда чет эллик ҳамкорлар билан барпо этилган корхоналарнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, «Хоразм ипаги» ҳиссадорлик жамиятида хитойлик мутахассислар иштирокида янги маҳсулот - велюр ва помбархт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, Боғотдаги «Хива» қўшма корхонасида Англиянинг «Вериман технолоджис ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда тиббиёт пахтаси тайёрланмоқда. Туркиянинг «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган Гурландаги тўқимачилик мажмуи эса бир йилда 8 млн. дона спорт кийимлари ишлаб чиқариш қувватига эга эканлигини амалда исботлай бошлади.

Вилоятда жами 36 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. 1996 йилда уларда жами 308,9 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткич 206,1 млн. сўмликка етди, яъни 7,6 баробарга ўсди.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида ҳам ана шундай ижобий натижаларга эришилгани семинарда алоҳида тилга олинди. Аммо ҳар иккала ҳудудда ҳам чет эл сармоядорлари билан ишлаш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилаяпти, деб бўлмайди. Бундай семинарларнинг асосий мақсади эса, аввало, кичик ва ўрта тадбиркорлик ишини йўлга қўйиш бўйича махсус ҳудудий комиссияларга амалий ёрдам бериш, тадбиркорларга бизнес-режалар тузиш, методик қўлланмалар ишлаб чиқишда кўмаклашиш, уларни халқаро молия ташкилотлари ва чет эл банкларидан кредитлар олиш талаблари билан таништириш, мавжуд муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш масалаларини кўзда тутади. Уларнинг ўзига хослиги яна шундаки, дастурда халқаро ташкилотларнинг кредитлари туфайли амалий натижаларга эришган ишбилармонлар тажрибаларини ўрганиш ҳам режалаштирилган эди. Хусусан, Тошкент вилоятида ўтказилган семинар қатнашчилари масъулияти чекланган «Оқ олтин», жамияти фаолияти билан танишдилар. Бу корхона Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)дан кредит олиб, ўта тақчил озуқабоп биоқўшимчаларни ишлаб чиқармоқда. Хоразм вилоятида эса тайёр трикотаж буюмлари тайёрланаётган «Гурлантекстиль» ҳиссадорлик жамияти иши кўздан кечирилди.

Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси В. Чжен ва республика мувофиқлаштириш кенгаши ва ҳудудий комиссиялар аъзоларининг маърузаларида инвестиция таклифларини танлаш бўйича ишларни сифатли ва тезкор ташкил этиш, қўйилган талабларга мувофиқ, барча зарур ҳужжатларни тайёрлашда ташаббускорларга амалий ёрдам кўрсатиш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, сансалорлик ва бюрократизм ҳолларига барҳам бериш, ғояларни аниқ самараларга айлантириш учун кичик ва ўрта тадбиркорлик вакилларига қулай шароитлар яратиш зарурлиги қайд этилди. Семинарнинг хорижлик қатнашчилари эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида инвестициялардан унумли фойдаланиши, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этишга доир имкониятлар, мавжуд қувватлар билан яқиндан танишдилар.

Бизнес-семинарда халқаро молия ташкилотлари ва институтлари вакиллари унинг иштирокчиларига республикада амалга оширилаётган ишлар, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш борасида бажарилаётган дастурлари ҳақида ахборот беришди. Хусусан, ЕТТБ ваколатхонаси бошлиғи жаноб Исао Каваниши ушбу банк томонидан 60 млн. АҚШ доллари миқдорида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кредит ажратилганлигини (биринчи кредит йўналиши) маълум қилди. Бу кредит ҳозир амалда Ўзбекистон Миллий банки томонидан ўзлаштириб бўлинди (20 та инвестиция лойиҳаси). Айни пайтда ЕТТБ иккинчи кредит йўналишини (120 млн. АҚШ доллари ҳажмида) очди. Бу йўналиш бўйича Миллий банк (60 млн. доллар), «Асакабанк» (30 млн. доллар) ва бошқа тижорат банклари (30 млн. доллар) хизмат кўрсатади.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) вакили жаноб Э. Рихсиев семинар қатнашчиларига ушбу корпорация кредитлар бериш йўли билан хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини маблағ билан таъминлаётгани, ҳукумат кафолатлари тақдим талаб қилмаган ҳолда, компаниялар сармоясига ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. «ХМК 200 минг доллардан 5 млн. долларгача қийматдаги лойиҳаларни кўриб чиқишга ҳам тайёр», -- деди у.

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорида юқоридаги молия институтларидан ташқари «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» Марказий Осиё-Америка фонди ҳам фаол иш юритмоқда. Бу ташкилот 150 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги сармояга эга минтақавий ҳукумат фонди бўлиб, 300 минг доллардан 5 млн. долларгача қийматдаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлайди. ХМК каби мазкур Фонд ҳам қарз бериш ёки бевосита маблағ билан таъминлаш ишларига қодир. 1997 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 23.575 минг АҚШ доллари миқдоридаги 10 та лойиҳа маъқулланган бўлиб, уларга 12.943.854 доллар берилди. «Кроссроудз» Осиё кредит компанияси эса бир йилдан 3 йилгача муддатга 1000 доллардан 10.000 долларгача кредитлар тақдим этмоқда.

Америка бизнес-маркази менежери жаноб Силвер Кейзнинг чиқиши ҳам семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. У АҚШ тадбиркорлари доирасида республикамиз ишбилармонлари билан алоқалар ўрнатишга, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга катта иштиёқ мавжудлигини таъкидлади. Жаноб С. Кейз бу борада ўз ташкилоти хизматларини таклиф қилди, лойиҳа ғоялари ҳақидаги ахборотни тарқатиш имкониятлари, ўзбек ҳамкорларининг ниятлари, уларнинг куч-қудрати, «Интернет» тизимидаги талаблар ҳақида гапириб ўтди. Маълумки, ҳозир дунёда миллионлаб тадбиркорлар «Интернет»дан фойдаланмоқдалар.

Бизнес-семинар ишида республика мувофиқлаштириш кенгаши аъзолари томонидан ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари тақдим этилди. Бу лойиҳалар орасида «Шовотмармар» хусусий фирмасининг мармар плиталар тайёрлаш, «Янгиариқ» ҳиссадорлик жамиятининг трикотаж моллари, «Даритал» қўшма корхонасининг аёллар ва эркаклар пойабзали, Хазорасп ип-йигирув фабрикасининг эса момиқ пахта ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалари бор.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, минтақавий семинар-кенгашларнинг ўтказилиши кичик ва ўрта тадбиркорликни жадал ривожлантиришга кенг йўл очади. Республика раҳбарияти томонидан эса халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг кредит йўналишларини ўз вақтида ўзлаштиришга доир ишлар аниқ белгилаб берилгани эса мамлакат экспорт қудратини янада ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, мулкдорлар синфининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навбатдаги халқаро бизнес-семинар бугун Фарғона вилоятида ўз ишини бошлайди.

**Алишер БЕКҚУЛБЕКОВ,**
**Давлат мулки қўмитаси бошқармаси бошлиғи,**
**Миродил АБДУРАҲМОНОВ**
**«Мулкдор» иқтисодий ҳафталик газетаси бош муҳаррири.**

